

ХИТОЙЧА ҚЎШИН ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ НОМЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ТЕРМИНЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7333163>

Имомиддинова Наргиза Абдуваҳидовна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

Ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил изланувчиси

imomiddinova999@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола хитойча ҳарбий терминлар ичида муҳим аҳамият касб этиувчи қўшин таркибий қисм номларини билдирувчи терминларнинг таҳлилига багишланади. Қўшин таркибий қисм номларини ифодаловчи терминлар тизими қўшин турларини англатувчи мавзуий гуруҳлар мисолида ўрганилиб, уларни ясашида фаол ҳисобланган морфемалар борасида тегишили хуносалар келтирилди.

Калим сўзлар:Хитой халқ-озодлик армияси, қўшин турлари, ҳарбий округ, қуруқлик қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳарбий-денгиз флоти, ракета қўшинлари, стратегик таъминот кучлари, асос морфема.

TERMS EXPRESSING THE NAMES OF THE COMPONENT UNITS OF THE CHINESE ARMY

Imomiddinova Nargiza Abduvahidovna

Independent Researcher

Tashkent State University of Uzbek Language
and Literature named after Alisher Navoi

imomiddinova999@gmail.com

Abstract. This article is devoted to the analysis of terms denoting the names of military components, which are important among Chinese military terms. The system of terms representing the names of the army components was studied on the example of the thematic groups representing army types, and appropriate conclusions were drawn regarding the morphemes considered active in their creation.

Key words: People's Liberation Army of China, types of troops, military district, ground forces, air force, navy, missile forces, strategic supply force, base morpheme.

КИРИШ

Хитой халқ-озодлик армияси, яъни 中国人民解放军, Zhōngguó Rénmín Jūn – XXP Қуролли Кучларининг расмий номи саналади. 1927 йилнинг 1 августида Нанчанг кўзғолони натижасида “Қизил Армия” номи билан ташкил этилган ҳамда Мао Цзедун бошчилигига Хитойдаги фуқаролар уруши даврида (30-йиллар) йирик рейдлар (Хитой коммунистларининг буюк юриши) ўюштирилган. “Хитой халқ-озодлик армияси” номи 1946 йилнинг ёзида XKP¹ қўшинларидан – 8-армия, Янги 4-армия ва Шимоли-шарқий армиядан тузилган қуролли кучларга; 1949 йилда XXP эълон қилинганидан кейин эса мамлакат қуролли кучларига нисбатан кўллана бошлаган.

Қонунчилик 18 ёшдан бошлаб эркакларни ҳарбий хизматга чақиришни назарда тутади; кўнгиллилар 49 ёшгача қабул қилинади. Заҳира ҳарбий хизматчи учун ёш чегараси – 50 ёш.

¹Хитой коммунистик партияси 中国共产党 Zhōngguó Gòngchǎndǎng.

Уруш даврида назарий жиҳатдан (моддий таъминот бўйича чекловларни ҳисобга олмаган ҳолда) 750 миллионгacha одам сафарбар қилиниши мумкин[5].

XXOA тўғридан-тўғри партия ёки ҳукуматга эмас, балки иккита маҳсус Марказий ҳарбий комиссия – давлат ва партиявий комиссияларга бўйсунади. Одатда бу комиссиялар таркиби бир хил бўлиб, МҲК атамаси бирликда қўлланилади. Марказий ҳарбий комиссия раиси лавозими давлат бошқаруви тизимидағи таянч мансаблардан бири ҳисобланади. Сўнгти йиллардан бошлаб бу лавозимни одатда XXR раиси эгаллайди. Аммо 80-йилларда МҲКни аслида мамлакат раҳбари бўлган Ден Сяопин бошқарган (шу билан бирга, у ҳеч қачон XXR раиси ёки XXR Давлат Кенгашининг бош вазири бўлмаган, ХКП Марказий Қўмитаси бош котиби лавозимини “Буюк пролетар маданий инқилоби” бошланишига қадар эгаллаган).

Хитой қуролли кучлари ҳудудий тамойил бўйича бешта ҳарбий округга бўлинган: Шарқий ҳарбий округ (东部战区 dōngbù zhànqū), Шимолий ҳарбий округ (北部战区 běibù zhànqū), Ғарбий ҳарбий округ (西部战区 xībù zhànqū), Жанубий ҳарбий округ (南部战区 nánbù zhànqū) ва Марказий ҳарбий округ (中部战区 zhōngbù zhànqū). Шунингдек ушбу округлар уч флотни ўз ичига олади.

Хитой марказий ҳарбий комиссияси раиси (中华人民共和国中央军事委员会主席) – Си Цзин Пинг 习近平. Хитой марказий ҳарбий комиссияси раиси ўринбосарлари (中华人民共和国中央军事委员会副主席) – Сю Чилянг 许其亮, Чжанг Юся 张又侠[6].

2022 йилда **Global Firepower.com** вебсайти эълон қилган маълумотларга кўра, дунёдаги энг кучли армиялар рейтингида Хитой ҳалқ-озодлик армияси (жами 142 мамлакат орасида) АҚШ ва Россия Федерацияси Қуролли Кучларидан кейин учинчи ўринни эгаллади [7]. Ўтказилган таҳлиллар бир нечта кўрсаткичлар асосида амалга оширилган бўлиб, мамлакат индекси – **0, 0511** деб топилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу рейтингда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари **0, 8272** индекс билан 54-ўринни эгаллади.

Хитой ҳарбий харажатлар ҳажми бўйича дунёда – иккинчи (250 млрд. 240 млн. АҚШ доллари), ҳарбий хизматчилар сони бўйича – биринчи (2 млн. ҳарбий хизматчи), ҳарбий самолёт ва вертолётлар авиапарклари ҳажми (3285 та) бўйича – учинчи, танклар сони (5250 та) бўйича – тўртинчи, ҳарбий кемалар сони (777 та) бўйича – биринчи ўринни эгаллади [8].

XXOA шиори – ҳалққа хизмат қиласиз (хит. 为人民服务 wéi rénmín fúwù); Партияга бўйсунамиз, жангда ғалаба қозонамиз, вижданан хизматни ўтаемиз (хит. 听党指挥, 能打胜仗, 作风优良 tīng dǎng zhīhuī, néng dǎ shèngzhàng, zuòfēng yǒuliáng) [9].

XXOA 现役军人 xiànyì jūnrén – ҳақиқий хизматдаги ҳарбий хизматчилар ҳамда 预备役军人 yùbèiyì jūnrén – заҳирадаги ҳарбий хизматчилардан ташкил топган. Ҳақиқий хизматдаги қўшинлар Қуруқлик қўшинлари, Ҳарбий-денгиз кучлари, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Стратегик ракета қўшинлари, ҳарбий олийгоҳлар, ҳарбий фанлар илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олади [Хабаров 2014: 17].

中华人民共和国国防部 Zhōnghuá rénmín gònghéguó guófáng bù – XXR Мудофаа вазирлиги расмий сайти [6] маълумотларига кўра, XXOA қуйидаги қўшин турларидан ташкил топган:

- 陆军 lùjūn – қуруқлик қўшинлари;
- 空军 kōngjūn – ҳарбий-ҳаво кучлари;
- 海军 hǎijūn – ҳарбий-денгиз флоти;
- 火箭军 huǒjiànjūn – ракета қўшинлари;
- 战略支援部队 zhànlüè zhīyuán bùduì – стратегик таъминот кучлари.

Х.Дадабоев ва Х.Ёдгоровлар ушбу терминларни қўшин турлари ва аскарий қисм номларини англатувчи терминлар тарзида номлаганлар [Dadaboyev, Yodgorov 2021: 58].

Куруқлиқдаги қўшинлар – жанговар ҳаракатларни асосан қуруқлиқда олиб бориш учун мўлжалланган, сон жиҳатидан энг кўп, қурол-аслаҳаси ва ҳаракат усуллари хилма-хил бўлган қуролли кучлар тури. Ташкилий жиҳатдан бўлинма, қисм, қўшилма ва бирлашмалардан иборат. Куруқлиқдаги қўшинлар таркибига:

- ракета қўшинлари;
- артиллерия;
- мотоўқчи қўшинлар;
- танк қўшинлари;
- куруқлиқдаги қўшинларнинг ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари;
- максус қўшинлар;
- қуролли кучлар фронт орти таъминотининг турли хизмат, қисм ва муассасалари киради [Долимов 2007: 304-305].

Куруқлиқдаги қўшинлар хитой тилида 陆军 lùjūn термини билан ифодаланади: Бунда 陆 lù – “куруқлик, ер, қитъа”, 军 jūn – “қўшин, армия, ҳарбий” маъноларини англатади.

XXOA қуруқлиқдаги қўшинлари 1927 йилдан фаолият юритган бўлса-да, расмий 1948 йилда ташкил этилган ҳисобланади. 2022 йилга келиб, доимий таркиби 975 минг ҳарбий хизматчини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича Хитой дунёда Ҳиндистондан кейин иккинчи ўринда туради. Бундан ташқари, мамлакат қуруқлик қўшинлари 510 минг кишилик заҳираға эга. XXР миллий мудофаа Вазирлигига бўйсунади [10]. 陆军 жанговар ҳаракатларни асосан қуруқлиқда олиб борадиган қўшин тури ҳисобланади. Ушбу қўшин тури қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ❖ 步兵 bùbīng – пиёда қўшин (步 bù қадам+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 装甲兵 zhuāngjiā bīng – зирҳли танк қўшинлари (装甲 zhuāngjiā зирҳ, зирҳли+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 炮兵 pào bīng – артилерия (炮 pào тўп, артилерия, ўқотар қурол+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 陆军防空兵 lùjūn fángkōngbīng – ҳарбий ҳаво мудофааси қўшинлари (陆军 lùjūn қуруқлик қўшинлари+防空 fángkōng ҳавога қарши мудофаа+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 陆军航空兵 lùjūn hángkōngbīng – армия авиацияси (陆军 lùjūn қуруқлик қўшинлари+航空 hángkōng авиация+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 工程兵 gōngchéngbīng – муҳандислик қўшинлари (工程 gōngchéng муҳандислик ишлари+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 防化兵 fánghuà bīng – кимёвий мудофаа қўшинлари (防化 fáng huà кимёвий мудофаа+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 通信兵 tōngxìnbīng – алоқа қўшинлари (通信 tōngxìn алоқа, маълумот, хабар+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 雷达兵 léidábīng – радиолокация қўшинлари (雷达 léidá радар, радиолокатор+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 电子对抗兵 diànzǐ duìkàngbīng – электрон қаршилик кўрсатиш қўшинлари (电子 diànzǐ электрон, рақамли+对抗 duìkàng қаршилик+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 汽车兵 qìchēbīng – автомобиль қўшинлари (汽车 qìchē автомобиль+兵 bīng аскар, қўшин) [Анкин, Хрипунов 2009: 27].

Куруқлиқдаги қўшинлар қўйидаги ташкилий тузилишга эга: (分队 fènduì) бўлинма – (班 bān) бўлим, (排 pái) взвод, (连 lián) рота, (营 yíng) батальон; (部队 bùduì) қисмлар – (团 tuán) полк, (旅 lǚ) бригада; (兵团 bīngtuán) қўшилма – (师 shī)

дивизия, (军 jūn) корпус; (军团 jūntuán) бирлашма – (军队 jūnduì) умумқўшин армияси, (战线 zhànxiàn) фронт [Хабаров 2014: 18].

Ҳарбий-ҳаво кучлари (ҲҲК) Давлат қуролли кучларининг тури бўлиб, қуролли кучларининг ўзга турлари билан биргаликда, шунингдек, мустақил тарзда оператив ва стратегик масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган. Вазифаси ва жанговар жиҳатдан қўлланилишига кўра:

олис масофаларда ҳаракатланувчи;
фронт;
ҳарбий-транспорт авиацияларига бўлинади.

Тактик ва техник тавсифларига кўра:
бомбардимончи;
қирувчи;
хужумчи;
разведкачи (айғоқчи);
транспорт;
қўмакчи авиацияларга гурухланади.

Жанговар имкониятларига кўра – ҳавода ҳукмронлик суриш учун кураш олиб бориш, қўшинлар ва флот кучларига авиацияли мадад бериш, ҳавода туриб ҳимоя қилиш, қўшинлар ва моддий воситаларни десантлаш, ҳавода ташиш, ҳаво разведкасини юритиш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга оширишга қодир.

Ҳарбий-ҳаво кучлари душман ортигининг олис сарҳардларига кириб бориш ва обьектларига таъсир ўтказишга имкон яратади, турли жанговар ҳаракатларни бажариб, ҳарбий операциялар давоми ва якунига катта таъсир ўтказиш қобилиятига эга [Долимов 2007: 349-350].

“Ҳарбий-ҳаво кучлари” маъноси хитой тилида 空军 kōngjūn термини билан ифодаланади (空 kōng – “ҳаво майдони, ҳаво, бўшлиқ”; 军 jūn – “қўшин, армия” маъноларини англатади).

Хитой халқ-озодлик армияси ҳарбий-ҳаво кучлари 1949 йил 11 ноябрда ташкил этилган бўлиб, тасарруфидаги самолётлар сонига кўра Россия ва АҚШдан кейин учинчи ўринда туради. 2022 йилга келиб, шахсий таркиби – 395 минг кишини ташкил этмоқда. Хитой ҳарбий-ҳаво кучлари 4 мингта жанговар ва 300 та қўллаб-қувватловчи самолёт, 106 та вертолёт, 700 дан зиёд бошқариладиган зенит ракеталарини учирish қурилмалари, 1 минг зенит артиллерияси қуроллари ҳамда тахминан 450 та радиолокация постлари билан қуролланган [11].

Хитой ҳарбий-ҳаво кучлари таркибидаги қисмлар қўйидаги терминлар ёрдамида номланади [Анкин, Хрипунов 2009: 27]:

- ❖ 航空兵 hángkōng bīng – авиация (航空 hángkōng ҳаво, -авиа+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 防空兵 fángkōng bīng – ҳаво хужумидан мудофаа қилиш қўшини (防空 fángkōng ҳаво хужумидан мудофаа +兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 空降兵 kōngjiàng bīng – ҳаво-десант қўшинлари (空降 kōngjiàng авиадесант, ҳаво-десант+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 防化兵 fáng huà bīng – кимёвий мудофаа қўшинлари (防化 fáng huà кимёвий мудофаа+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 通信兵 tōngxìnbīng – алоқа қўшинлари (通信 tōngxìn алоқа, маълумот, хабар+兵 bīng аскар, қўшин);

- ❖ 雷达兵 léidábīng – радиолокация қўшинлари (雷达 léidá радар, радиолокатор+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 电子对抗兵 diànzǐ duìkàngbīng – электрон қаршилик кўрсатиш қўшинлари (电子 diànzǐ электрон, ракамли+对抗 duìkàng қаршилик+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 技术侦察兵 jìshù zhēnchá bīng – техник-разведка қўшинлари (技术 jìshù техника, санъат, технология+侦察 zhēnchá разведка, тергов, тергов олиб бормоқ+兵 bīng аскар, қўшин).

Харбий-денгиз флоти (ХДФ) Куролли кучлар тури бўлиб, океан ва денгизлардаги ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонларида жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

Душманнинг ердаги обьектларига қарата стратегик-ядровий кучлар билан зарба бериш, дengiz ва базаларида кучларини йўқ қилиш, дунёнинг ҳар қандай минтақасида, океан ва дengиздаги душманга тегишли алоқа йўлларини вайрон этишга қодир.

Харбий-денгиз флоти сув усти ва сув ости кемалари (дизелли ва атом двигателли), авиация, кирғоқдаги ракета-артиллерия қисмлари ва дengiz пиёдаларидан ташкил топган. Харбий-денгиз флоти таркибига, шунингдек, кўмакчи флот кема ва қайиқлари, маҳсус қисм ва қуролли кучлар фронт орти муассасалари киради [Долимов 2007: 320].

Харбий-денгиз кучлари хитой тилида 海军 háijūn термини билан аталиб, бунда 海 hái “денгиз”; 军 jūn эса “қўшин, армия” маъноларини билдиради.

XXOA ҳарбий-денгиз кучлари ёки ҳарбий-денгиз флоти 1949 йил 23 апрелда ташкил топган. 240 минг киши ва 3 флотни (Шимолий Денгиз, Шарқий Денгиз ва Жанубий Денгиз флотлари) ўз ичига олади. XXR Миллий Мудофаа Вазирлигига бўйсунади [12]. Ташкилий жиҳатдан Хитой ҳарбий-денгиз кучлари таркибига кирадиган қисмлар қўйидаги терминлар билан ифодаланади:

- ❖ 潜艇部队 qiántǐng bùduì – сув ости флоти (潜艇 qiántǐng сув ости кемаси+部队 bùduì қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм);
- ❖ 水面舰艇部队 shuǐmìàn jiàntǐng bùduì – сув усти кучлари (水面 shuǐmìàn сув юзаси+舰艇 jiàntǐng ҳарбий кема+部队 bùduì қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм);
- ❖ 海军航空兵 háijūnhángkōngbīng – ҳарбий-денгиз авиацияси (海军 háijūn ҳарбий-денгиз кучлари+航空 hángkōngxavo, -авиа+兵 bīng аскар, қўшин);
- ❖ 海军岸防部队 háijūn ànfáng bùduì – қирғоқ мудофааси қўшинлари (岸防 ànfáng қирғоқ мудофааси+部队 bùduì қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм);
- ❖ 海军陆战队 háijūn lùzhànduì – дengiz пиёдалари (陆战 lùzhàn қуруқликдаги жанг+队 duì – отряд, бўлинма, қисм).

Ракета қўшинлари 60-йиллар бошида ташкил этилган. Жанг ва амалиёт жараёнида душманга қарата ядро қуролларини қўллаш ва ўт очиш билан зарба беришга мўлжалланган [Долимов 2007: 198].

Ракета қўшинлари хитой тилида 火箭军 huǒjiànjūn дейилади: 火箭 huǒjiàn “ракета”, 军 jūn эса “қўшин, армия” маъноларини англатади.

Ракета қўшинлари XXRning стратегик ракета кучлари ҳисобланиб, ядовий ва оддий баллистик ракеталар билан қуролланган. Шахсий таркиби 150 минг ҳарбий хизматчини ташкил этади. 1966 йил 1 июлдан 2015 йил 31 декабргача 第二炮兵 dì’èr pào bīng (Иккинчи артиллерия корпуси) деб номланган. 2015 йил 31 декабрида Ракета қўшинлари сифатида қайта ташкил этилди, Марказий ҳарбий кенгашга бўйсунади[13].

Хитой Ракета қўшинлари тузилиши жиҳатдан қўйидаги терминлар билан ифодаланувчи қисмлардан ташкил этилган:

- ❖ 核 导 弹 部 队 hé dǎodàn bùduì – ядерный ракета кучлари (核 hé ядерный+导弹 dǎodàn реактив снаряд, ракета+部队 bùduì қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм);
- ❖ 常 规 导 弹 部 队 chángguī dǎodàn bùduì – одатий ракета кучлари (常规 chángguī умумий қабул қилинган меъёрлар+导弹 dǎodàn реактив снаряд, ракета+部队 bùduì қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм);
- ❖ 作 战 保 障 部 队 zuòzhàn bǎozhàng bùduì – жанговар таъминот кучлари (作战 zuòzhàn жанг олиб бормоқ, уруш олиб бормоқ+保障 bǎozhàng таъминламоқ, кафолат бермоқ+部队 bùduì қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм).

Стратегик таъминот кучлариэнг янги қўшин тури бўлиб, 2015 йил 31 декабрда тузилган. Фаолият доираси қўйидаги терминларда ифодасини топган:

- 太空战 tàikōng zhàn – космик уруш;
- 网络战 wǎngluò zhàn – киберуруш;
- 电子战 diànzǐ zhàn – радиоэлектрон уруш;
- 心理战 xīnlǐ zhàn – психологик уруш;
- 情报侦察 qíngbào zhēnchá – разведка;
- 卫星管理 wèixīng guǎnlǐ – сунъий йўлдошлар бошқаруви;
- 中国航天研发和运营 zhōngguó hángtiān yánfā hé yùnyíng – аэрокосмик тадқиқотлар.

Стратегик таъминот кучлари хитой тилида 战略支援部队 zhànlüè zhīyuán bùduì термини билан ифодаланиб, бунда 战略 zhànlüè – стратегия, тактика, стратегик; 支援 zhīyuán – қўллаб-куватламоқ, ёрдам бермоқ; 部队 bùduì эса қўшин, бўлинма, ҳарбий қисм маъноларини билдиради. Стратегик таъминот кучлари қўйидагилардан иборат:

- ❖ 电子对抗力量 diànzǐ duìkàngbìng – электрон қаршилик кўрсатиш кучлари (电子 diànzǐ электрон, қаршилик+对抗 duìkàng қаршилик+力量 lìliàng куч, қувват);
- ❖ 网络攻防力量 wǎngluògōngfánglìliàng – киберхавфсизлик кучлари (网络 wǎngluò Интернет тармоғи+攻防 gōngfángxūжум ва мудофаа+力量 lìliàng куч, қувват);
- ❖ 卫星管理力量 wèixīng guǎnlǐ lìliàng – сунъий йўлдошлар бошқаруви кучлари (卫星 wèixīng сунъий йўлдош+管理 guǎnlǐ бошқармоқ, тартибга солмоқ+力量 lìliàng куч, қувват).

Хитой қуролли кучлари тузилишига оид терминология ҳақида сўз кетганда, 军种 jūnzhǒng ва 兵种 bīngzhǒng терминларини бир-биридан ажратиш жуда муҳим. Улардан биринчиси қуролли кучлар турларини билдиrsa, иккинчиси қўшин турларини англатади. 军种 таркибида бир нечта 兵种 бўлиши мумкин. Масалан, 陆军 lùjūn (қуруқликдаги қўшинлар), 空军 kōngjūn (ҳарбий-ҳаво кучлари), 海军 hǎijūn (ҳарбий-денгиз флоти) ва 火箭军 huǒjiānjūn (ракета қўшинлари) терминларининг барчаси 军 jūn морфемасидан ясалган. 航空兵 hángkōngbìng (авиация), 海军航空兵 hǎijūn hángkōngbìng (ҳарбий-денгиз авиацияси), 防化兵 fáng huà bīng (кимёвий мудофаа қўшинлари), 空降兵 kōngjiàng bīng (ҳаво-десант қўшинлари) каби терминлар 兵 bīng морфемаси иштироқида ҳосил бўлган.

XXOA ва Марказий ҳарбий кенгаши тузилиши қўйидаги кўринишга эга:

- ✓ 5 ҳарбий округ (战区 zhànqū);
- ✓ 5 қўшин тури (军种 jūnzhǒng);
- ✓ 7 бўлим (部,厅 bù, tīng);
- ✓ 3 қўмита (委员会 wěiyuánhuì);

- ✓ 5 таянч орган (直属机构 zhíshǔjīgòu);
- ✓ 1 таянч қисм (直属部队 zhíshǔbùduì);
- ✓ 3 таянч ўкув юрти ва илм-фан маскани (直属院校和科研机构 zhíshǔ yuànxìào hé kēyán jīgòu).

ХУЛОСА

Юкорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра қуидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Хитой қуролли кучларининг беш турини акс эттишида 35 ҳарбий термин (5 қуролли кучлар тури, 30 кўшин турлари)дан фойдаланилади.

2. Тадқиқотда **军种** jūnzhǒng ва **兵种** bīngzhǒng терминларининг мазмун-моҳиятига аниқлик киритилди, чунончи, **军种** термини мамлакат қуролли кучлари турларини англатиши (**陆军** – қуруқлиқдаги қўшинлар, **海军** – ҳарбий-денгиз флоти ва х.к.), **兵种** термини эса кичик қўшин турларини билдириши (**炮兵** – артиллерия, **空降兵** – ҳаво-десант қўшинлари, **潜艇部队** – сув ости флоти, **核导弹部队** – ядроий ракета кучлари, **网络攻防力量** – киберхавфсизлик кучлари) таъкидланди.

3. Кўшин таркибий қисмини англатувчи терминларнинг ясалишида экология билан боғлиқ тушунчаларни билдирувчи асос морфемаларнинг фаоллиги аниқланди (**陆** – қитъа, қуруқлик; **空** – ҳаво; **海** – денгиз).

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Анкин А.В., Хрипунов И.Г. Учебник практического курса перевода (военного перевода). Китайский язык. – Новосибирск.: НВВКУ, 2009.
2. Dadaboyev H., Yodgorov H. O‘zbek harbiy terminologiyasi. O‘quvqo‘llanma. – Toshkent: Sahhof, 2021.
3. Долимов Ш.З. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: 2007.
4. Хабаров А.А. Практический курс военного перевода китайского языка. Учебник. Ч.1. – М.: Восточная книга, 2014.
5. Насирова, С. А., Хашимова, С. А., & Рихсиева, Г. Ш. ВЛИЯНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ КИТАЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ. *Ответственный редактор*, 162.
6. Насирова, С. А. (2020). Генезис общественно-политической терминологии китайского языка через призму истории китайской дипломатии. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 22-33.
7. Хашимова, С. А. (2022). О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА КОММУНИКАЦИИ (НА ПРИМЕРЕ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА). *SO ‘NGI ILMİY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(1), 85-91.
8. С.А.Насирова. Институт евнухов в древнем Китае: причины возникновения и особенности (2022). Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации. С. 187-188.
9. NS Abdullayevna. 上合组织国家的科学研究: 协同和一体化。上合组织国家的科学研究: 协同和一体化, 87, 0

Электрон манбалар:

10. [Народно-освободительная армия Китая — Википедия \(wikipedia.org\)](#)
11. [高层 - 中华人民共和国国防部 \(mod.gov.cn\)](#)
12. [2022 Military Strength Ranking \(globalfirepower.com\)](#)
13. <https://pooha.net/society/weapony/593-army-2022?ysclid=15w0b64sim889154036>
14. [中国人民解放军陆军 - 维基百科, 自由的百科全书 \(wikipedia.org\)](#)

-
- 15. [中国人民解放军空军 - 维基百科, 自由的百科全书 \(wikipedia.org\)](#)
 - 16. [中国人民解放军海军 - 维基百科, 自由的百科全书 \(wikipedia.org\)](#)
 - 17. [中国人民解放军火箭军 - 维基百科, 自由的百科全书 \(wikipedia.org\)](#)